

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDAGI
XULOSA**

№

- 1. Loyihaning turi**
Shartnoma.
- 2. Loyihaning nomi**
Xo‘jalik shartnomasi.(TEMMAXS MCHJ 196 241 332)
- 3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**
Xatirchi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
19.09.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu hujjat loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti**

**A.H.Boboyorov
20.09.2022 yil**



20«9»2022 yil.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 19/09-4

Хатирчи тумани

19 Сентябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи Ж.Рахмонов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "ТЕММАХС" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Т.Махсудов иккинчи томондан Хатирчи тумани Бугирдок МФЙ Ёшлар 2-3 кўчаси ички йўлларни таъмираш бўйича куйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги түгрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

курилиш майдони - Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилиган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

вақтингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАЗВУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Хатирчи тумани Бугирдок МФЙ Ёшлар 2-3 кўчаси ички йўлларни таъмираш лойихада кўзда тутилган ҳолда жорий таъмираш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "16" сентябрдаги 148752-сон баённома) билан тасдикланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 196 241 332 (Бир юз туқсон олти миллион икки юз кирқ бир минг уч юз уттиз икки) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил кисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);
объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккичи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони ҳудудида вақтингчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилшини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюргмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. БУЮРГМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюргмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини тъминлаш;

Пудратчига барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равища рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб килинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Таилов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан зътиборан 5 кунини ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюргмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 58872399.6 сўмни ташкил этади.

15. Буюргмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тulos "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюргмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюргмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюргмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бунда Буюргмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни тъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюргмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмайтган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашгандиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюргмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюргмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюллар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятди конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равинча хабардор қиласи.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ҳабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинги аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарапларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туваш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонидан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятта эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боялиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

32. Агар енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

X. ҚАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонламида далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боялиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни туттишишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўлайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилниши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор қилингандан Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилингандан тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортниши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддатда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг ўйқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибида ИҚТИСОДИЙ суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчишлардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган яғи мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли молмукни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача хисобланади.

XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МОДДАСИ

58. Томонлар буни эълон қиласидилар: - Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари, уларни бажариш чогида ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар, бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/камчиликларни содир етмайди коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари талабларидан ва ёки бузук табиатга ега, шу жумладан пора бериш ёки ваъда килиш, пора бериш (лекин чекланмаган), пора олиш учун товламачилик, тўғридан-тўғри ёки билвосита розилик.

- Томонлар, уларнинг аффилланган (алокадор) шахслари ва ходимлари рағбатлантиришдан бош тортадилар ходимлар ёки бирон-бир тарзда бошқа партия ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар билан таъминлаш, уларга бегараз хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ходим ёки ваколатли вакилнинг рағбатлантирувчи томони манфаати учун ҳар қандай ҳаракат камчиликларни амалга оширишини таъминлашга каратилган.

59. Бир партия бузилиши деб гумон бўлса 58-банднинг қондалари. бу шартнома содир бўлди ёки содир бўлиши мумкин, тегишли партия бу ҳақида иккинчи партия хабардор килиш мажбуриятини олади Партия, ва конун бузилиши рад етиб бўлмайдиган далиллар такдирда Ўзбекистон Республикаси коррупсияга карши курашиш соҳасида-шунингдек, тартибда ваколатли органлар амалдаги конунчиликда белгиланган.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

“ТЕММАХС” МЧЖ

Манзил: Парохун МФЙ А.Яссавий 153-



Банк: Харбони Хатирчи филиали
МФО: 00704 ИНН: 307615494
РСС 20208001505261185001

Т.Максудов

«Буюртмачи»

Хатирчи туман Ободонлаштириши
бошқармаси

Манзил: Хатирчи Туман Парохун МФЙ



Банк: Марказий Банк Тошкент ш.

МФО: 00014 ИНН: 204658969

Рахбар: 100022860122617045204110001

Ж.Рахмонов

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.

Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR
Code ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.

HAMRO NURQUVVATOV
OYDINOVICH

Imzolangan sana

20 сен 2022 15:44

Hujjat kodi

JM6121150108

Hulosa kodi

KC0480538486

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergen shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:


- pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;
- tovlamachilik qilish;
- pora sifatida pul to'lash;
- bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilihiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbazarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

- korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;
- Telegram-kanali ("@xxxxxxxxxx");
- (davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 148752 на приобретение Хатирчи туман
Буғирдоқ МФЙ Ёшлар 2-3 кўчаси ички йўлларини жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Даты 16.09.2022

Время рассмотрения 16.09.2022 14:41

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Бош мухандис	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	HAMRAYEV NAZAR JUMAYEVICH	хисобчи	комиссия аъзоси
Член комиссии	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Булим бошлиги	комиссия аъзоси
Член комиссии	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	касаба уюшмаси раиси	комиссия аъзоси
Член комиссии	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Назоратчи	Комиссия аъзоси
Член комиссии	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LI	yul nazoratchisi	kamissiya azosi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.09.2022 года № лота 148752.

Метод оценки предложений – Балльный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Хатирчи туман Буғирдоқ МФЙ Ёшлар 2-3 кўчаси ички йўлларини жорий тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	"
Цена товара (услуги) за единицу	200 506 634.00
Стартовая сумма	200 506 634.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишчи тугрисида ходимлар, Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектларда бажарган ишлари тугрисида маълумот Конкурсда лойиҳа сметага асосан физ обём тақдим этиш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	25	Мавжуд	21	Экспертная		
ООО TEMMAXS	25	196241332	22	Экспертная		

Критерий №2 Пудратчи түгрисида маълумот, Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми .руйхатдан утказилгани түгрисида маълумот нусхаси . ташкилот таркибий структураси Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги түгрисида маълумот (ССС булиш авзалрок)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	25	мавжуд	23	Экспертная		
ООО TEMMAXS	25	196241332	23	Экспертная		

Критерий №3 Банк ва соликдан карзи йуклиги түгрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан карзи йуклиги түгрисида маълумот. кайси турдаги солик туловчи эканлиги түгрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	25	мавжуд	21	Экспертная		
ООО TEMMAXS	25	196241332	24	Экспертная		

Критерий №4 Молиявий холати, Машина механизмлар түгрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охириги йиллик балланс хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдикланган булиш керак).Курилиш ташкилотини хисоб ракамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % микдорида пу маблаги мавжуд булиши ёки шу микдорда айланма маблаги борлиги түгрисида банк хати Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан тъминловчи

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	25	мавжуд	22	Экспертная		
ООО TEMMAXS	25	196241332	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО TEMMAXS	200 506 634,00	196 241 332,00 UZS	196 241 332,00	00.00	196 241 332,00	15.09.2022 23:09:31	20
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	200 506 634,00	196 507 579,00 UZS	196 507 579,00	00.00	196 507 579,00	15.09.2022 19:09:13	19.9729

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО TEMMAXS	73.6	20	93.6
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	69.6	19.9729	89.5729

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 148752 от 16.09.2022 года на приобретение Хатирчи туман Буғирдоқ Мәшілдер 2-3 күчаси ички йүлларини жорий тамирлаш определила победителем:

ООО TEMMAXS
307615494

и резервный исполнитель: "Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ (302649075)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП